ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 50 (8.785) ◆ 1996 йил 29 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси 26 апрель куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Олий Мажлис ишининг иккинчи куни Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарикнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини муҳокама қилиш билан бошланди. Музокараларда депутатлар: Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи А. Болтаев, Тошкент вилоятидаги «Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамиятининг раиси М. Худоёров, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигининг раиси О. Халимбетов, Фарғона шаҳри ҳокими А. Отабоев сўзга чиқдилар. Олий Мажлис бу қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев депутатларга акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиш натижалари ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланган ва сессияга кўриб чиқиш учун тақдим этилган эди. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродовнинг шу масала юзасидан қилган маърузасида ҳамда депутатлардан: Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э. Воҳидов, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси А. Қаюмов, Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани ҳокими Т. Есимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров нутқларида ЮНЕСКО қарорига биноан Ўзбекистон жамоатчилиги ва бутун жаҳон соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаётган йилда Амир Темур орденининг таъсис этилиши мамлакат ва халқнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагининг тарихий узвийлиги рамзи, Ўзбекистоннинг юксалиши ва гуллаб-яшнашига садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш омили экани таъкидланди. Олий Мажлис Амир Темур орденини таъсис этди ва якдиллик билан тегишли қонунни қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун муҳокама этилди ва қабул қилинди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова, «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Т. Бобожонов сўзга чиқдилар.

Депутатлар кўриб чиқиши учун уларга миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳавола қилинди. Бу ҳақда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Б. Наимов маъруза қилди. Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исмоиловнинг маърузаси юзасидан Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Ч. Абдиров Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом лойиҳасининг бир қанча муҳим меъёрларини асослаб берди. Муҳокамада депутатлар: Фарғона шаҳри Қиргули тумани ҳокими В. Белоногов, Навоий вилоятидаги Конимех марказий касалхонаси шифокори Б. Шоназаров, Бухоро вилоятидаги Ғиждувон ип йигирув-тўқув фабрикасининг директори М. Умаров иштирок этдилар. Олий Мажлис мазкур низомни тасдиқлади.

Парламент амалдаги қонун ҳужжатларига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Конституцияга мувофиқ, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармонлари тасдиқланди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда БМТ ходимлари ва бу ташкилотга алоқадор ходимларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги конвенцияларга қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди. Кимёвий қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва ишлатишни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги конвенция тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини ва айрим судьяларини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ваколат муддати тугагани муносабати билан У. Мингбоев иккинчи муддатга Олий суд раиси этиб сайланди. Х. Қудратов, С. Эшонқулов Олий суд судьялари этиб сайланди.

Сўнгра депутатлар Олий Мажлис бешинчи сессияси котибияти раҳбари Н. Бердиқуловнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995 йилги ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Парламент айрим маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Андижон вилоятидаги Комсомолобод тумани номи — Улуғнор тумани, Жиззах вилоятидаги Уляновск шаҳри номи — Даштобод шаҳри деб ўзгартирилди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси бешинчи сессияси ўз ишини тугатди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. **«Амир Темур»** ордени таъсис этилсин.
2. **«Амир Темур»** ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. **«Амир Темур»** орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда) 11-моддасининг «Мустақиллик ордени» деган сўзларидан кейин «Амир Темур» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. **«Амир Темур»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. **«Амир Темур»** ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар.

«Амир Темур» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. **«Амир Темур»** ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. **«Амир Темур»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Амир Темур» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. **«Амир Темур»** ордени кўкракнинг ўнг томонига «Мустақиллик» орденидан кейин тақилади.

5. **«Амир Темур»** ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

Муаллиф И. А. Каримов.

«Амир Темур» ордени 0,25 микрон қалинликдаги тилла қопланган 925 даражали (пробали) кумуш қотишмадан тайёрланади ва икки ёнбағридан нурлар таралган саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлади. Юлдузнинг бурчаклари орасида яшил ранг эмаль қопланган тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри эса 52 миллиметрдир.

Орденнинг марказида, сидирға мовий эмаль фонида гижинглаб турган оқ от минган Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Отлиқ Амир Темурнинг тасвири айлана билан ўралган бўлиб, айлананинг сирт чизиғи бўйича диаметри 35,5 миллиметр, ички чизиғи бўйича диаметри 24,5 миллиметрдир.

Амир Темур қиёфасини ўраб турган оқ эмалли айлананинг юқорисида ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 8 миллиметр. Ярим ой жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 5,5 миллиметр, беш қиррали юлдуз жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри эса 3,5 миллиметрдир.

Айлананинг юқорисида, мусамманнинг сўл томонига баландлиги 3 миллиметрли ҳарфлар билан «KUCH» сўзи, мусамманнинг ўнг томонига баландлиги 3 миллиметрли ҳарфлар билан «ADOLATDA» сўзи ёзилган. Айлананинг пастида, баландлиги 2,5 миллиметрли ҳарфлар билан «AMIR TEMUR» сўзлари ёзилган.

Орденнинг орқа томонида бурама қадагичи бор.

Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орден бўртмасининг баландлиги 7,5 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги 68 грамм.

МУҚАДДАС МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Юртимизда Қурбон ҳайити кенг нишонланмоқда

...Тонг ёришмасдан анча барвақт Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси жойлашган Хасти Имом жоме масжидига келган мўмин-мусулмонлар намоз ўқиш учун саф торта бошладилар. Масжид тепасига ўрнатилган карнайлардан Қуръони карим оятлари эшитилиб турди. Сўнгра Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари шайх Юсуфхон Шокиров маъруза қилди. У ўз сўзида Қурбон ҳайитининг бўлиш тарихи, ушбу маросим билан боғлиқ лавҳалар, меҳр-мурувват кўрсатишнинг хосиятлари, бу — Исломда энг эзгу амал эканлиги ҳақида гапирди. Шундай муборак кунларда халқимизнинг саховатпешалик фазилати айниқса ёрқин намоён бўлишини таъкидлади.

Сўнгра Тилла шайх масжидининг имом хатиби Абдурашидқори Баҳромов сўз олиб, Ийд Қурбон айёми фақат қурбонлик маросимидан иборат эмаслиги, бу кунларда бева-бечоралар, етим-есирлар, ёлғизлар, касалмандлар, кўнгли ўксиклар ҳолидан хабар олиб, имкони бўлса уларга моддий ёрдам бериш, йўқса тасалли билан оғриқ дилларга малҳам бўлиш лозимлигини айтди. Шунингдек бундай муборак кунларда инсонлар ўзаро ширин муомалада бўлиб, гина-кудуратлар унутилиши, қариндош-уруғлар, яқинлар яна йиғилишиб дийдор кўришиши, ҳар бир дам фақат хурсандчилик билан ўтиши одатга айланганини таъкидлади.

Қуёш юз кўрсатганидан бир неча дақиқа ўтгач жамоа бўлиб Ийди Қурбон ҳайит намози ўқилди. Намоз сўнгида ушбу ибодатлар, қилинажак қурбонликларни Яратган ўз даргоҳида қабул қилиши, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг янада зиёда бўлиши, виждон эркинлигининг амалдаги ифодаси, муқаддас Ҳаж зиёратига кетган ҳамюртларимиз сафари бехатар бўлиб, соғ-омон қайтиб келишликларини сўраб дуо қилинди. Ибодат тугагач мусулмонлар ён-атрофда турган биродарларини танишнотаниш демай, Ийди Қурбон ҳайити билан қутлашди. Масжидга ҳозир бўлган Тошкент ва Марказий Осиё архиепископи ҳазрат Владимир ҳам мусулмонларни байрам билан табриклар экан, насронийларда ҳам худо йўлида қурбонлик қилиш маросими борлиги, ана шу ўхшашликнинг ўзи ҳам динлар одамларни ўзаро ягона мақсад —эзгу ишлар қилишга чорлашини таъкидлади.

Худди шу куни шаҳримизнинг бошқа жоме масжидларида ҳам Ийди Қурбон ҳайити намози ўқилди. Масжидларга қурбонлик учун холисона берилган маблағларга жонлиқлар келтириб сўйилди, гўшти ён-атрофдаги маҳаллаларнинг бева-бечораларига тақсимлаб берилди. Янги келин тушган хонадонларга меҳмонлар тўлди. Ҳар бир оилада байрам нафаси кеза бошлади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги шайх Зиёвутдинхон жоме масжидида Ийди Қурбон ҳайити намозидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Робин Линн Рафэл хонимни қабул қилди.

❑ Муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АҚШ Президенти Уильям Клинтон, Уммон Султони Қобус бин Саид, Иордания Подшоҳи Ҳусайн I, Қувайт Давлатининг валиаҳди ва Бош вазири Саъд Ал-Абдулла Ас- Солим Ас -Сабоҳдан самимий қутловлар олинди.

❑ Вазирлар Маҳкамасида 26 апрель куни бўлиб ўтган мажлисда шу йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши муҳокама этилди. Мажлисни Бош вазир Ўткир Султонов бошқарди.

❑ Ўзбекистон ёшларининг 26 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган қурултойида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг «Камолот» жамғармаси таркибида фаолият кўрсатиши юзасидан қарор қабул қилинди.

❑ Тошкентнинг Афросиёб шоҳ кўчасида Корея Республикаси элчихонаси биноси пойдеворига биринчи тош қўйилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Душанбеда Европа Иттифоқи тасарруфи остида Марказий Осиёда ишончни мустаҳкамлаш масаласига бағишланган семинар ўз ишини якунлади. Бу семинарнинг биринчи қисми Тошкентда бўлиб ўтган эди.

❑ Хитойга расмий ташрифини туғаллаб ватанига қайтаётган Россия Президенти Борис Ельцин Олмаотада қисқа вақт тўхтаб ўтди. Бу ерда Россия ва Қозоғистон президентлари қатор икки томонлама аҳдлашувларни имзоладилар.

❑ Бугун Олмаотада Президент ҳузуридаги маслаҳат ташкилоти — Қозоғистон халқларининг ассамблеяси иш бошлайди.

❑ Белоруссия Президенти Александр Лукашенко Чернобиль фожиасининг ўн йиллиги муносабати билан мухолифатчилар томонидан Минскда 26 апрель куни ўтказилган кўп минг кишилик намойишдан сўнг юз берган тартибсизликлар сабабли вақтинча митинг ва намойишлар ўтказишни тақиқлаб қўйиш ниятида эканлиги тўғрисида баёнот берди.

❑ Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосарининг бугун Бокуга бошланадиган ташрифи давомида икки томонлама ҳамкорлик масалалари, жумладан Озарбайжонни Эрон билан боғлайдиган темир йўл қуриш режаси муҳокама этилади.

❑ Чеченистонда «Чегараларни тан олмайдиган врачлар» халқаро ташкилоти вакиллари гаровга олинди.

ХОРИЖДА

❑ Исроил билан «Хезболлах» жангарилари ўртасида сулҳ тўғрисидаги битим 27 апрель куни эрталаб соат бешда кучга кирди. Унга амал қилинаётганлиги туфайли минглаб ливанлик қочоқлар уйларига қайтиб кела бошладилар.

❑ Исроил Бош вазири Шимон Переснинг Вашингтонга бошланган уч кунлик ташрифи давомида АҚШ раҳбарияти билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалалари муҳокама этилади.

❑ Бугун Германия канцлери Гельмут Коль Лондонга расмий ташриф билан келади. У Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор билан икки томонлама муносабатларни, шунингдек, Европа Иттифоқини кенгайтириш, қитъа ҳамжамиятининг ягона валютасини муомалага киритиш, Англия мол гўштини экспорт қилиш ва бошқа масалаларни муҳокама этади.

❑ АҚШ 1988 йилда Форс кўрфази устида қирувчи самолёт, деб ўйлаб Эроннинг А-300 аэробусини уриб туширганлиги учун ҳалок бўлган йўловчилар оилаларига моддий ёрдам сифатида Эронга юз миллион долларга яқин товон пули тўлади.

❑ Бангладешнинг марказий ҳудудларида кучи соатига 100 километр тезликка етган бўрон оқибатида ўн минг нафарга яқин киши бошпанасиз қолди.

ИЛМ ҲОМИЙЛАРИ

Юнусобод туманидаги 9-ўрта мактаб ҳар қачонгидан гавжум. Мактаб ўқувчилари меҳмонларни алоҳида илтифот кўрсатиб, кутиб олмоқдалар. Кираверишда кўзингиз ранг-баранг китоблар оламига тушади. Бироздан сўнг Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббуси билан Юнусобод туманидаги нуфузли илм масканларидан ҳисобланмиш бу мактабда фанлар бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг шаҳар олимпиадаси ғолиблари шарафига бағишланган тантанали маросим бошланди.

Дастлаб ғолибларни Юнусобод туманидаги 537-болалар боғчаси ва Шайхонтоҳур туманидаги 607-боғча тарбияланувчилари қутладилар. Кечада биология, шарқ тиллари, француз, немис тиллари, математика, физика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанлари бўйича муваффақиятни қўлга киритган ўқувчилар, уларнинг мураббийлари, ота-оналари, шунингдек Республика Халқ таълими вазирлиги, қатор илм масканларининг олимлари, ҳокимлик вакиллари иштирок этди. Бундай тадбирларни уюштиришда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ деб топилди.

Илмда эришган ютуқлари, муваффақиятлари, қолаверса ўқувчиларнинг илмий салоҳиятини илғаган ҳомийлар ҳам талайгина эканлиги кўпчиликни тўлқинлантирди. Қолаверса бу ҳомийлик қизиқиш кашфиётлар, ихтиролар, жаҳоншумул янгиликларга ҳомийликдир. Физика-математика фанлари бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга Инновация истиқболли тадқиқотлар институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли математика институти вакиллари, биология-кимё фанлари бўйича ғолибларга турк лицейининг «Селим» ширкати бош директори Мақсуд Ота қимматбаҳо эсдалик совғалари, пул мукофоти, хорижда нашр қилинган китоб ва журналлар туҳфа қилишди.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

Футбол

УЧ ЎЙИНДА ИККИ МАҒЛУБИЯТ

Кеча мамлакат бешинчи миллий чемпионатининг учинчи тур ўйинлари режасидаги тўртта учрашув бўлиб ўтди.

«Пахтакор» — «Янгиер» учрашувига тўпланган мухлислар тошкентликлардан ўзгача ҳаракатларни кутган эдилар.

Негаки, ўтган учрашувда тортилган мағлубият алами ҳам бу галги ўйиндан яхши натижалар кутишга ундар эди.

Ўйин дастлаб «Пахтакор»нинг фаоллиги билан бошланди. Аммо 17-дақиқада дарвоза яқинида йўл қўйилган қалтис хатодан унумли фойдаланган меҳмонлар ҳужумчиси З. Бердиқулов ҳисобни очди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳужумни янада кучайтириб, ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Ўйиннинг 36-дақиқасида яна ўшандай ҳолат дарвозабон ва ҳимоячининг хатоси, номувофиқ ҳаракатлардан фойдаланган Полянцев пахтакорчилар дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Иккинчи таймда мезбонлар фаоллашиб, ҳеч бўлмаганда ҳисобни тенглаштиришга қаттиқ ҳаракат қилдилар. Ниҳоят 56-дақиқада Улуғбек Рўзимов тўпни боши билан уриб, меҳмонлар дарвозасига йўллади. Ҳисоб-1:2. Кейинги барча саъй-ҳаракат, ҳужумлар натижасиз тугади. Уч ўйинда икки мағлубият... «Пахтакор» ўз ўйинларини жиддий қайта қуриши керак! Мухлисларнинг фикри ана шундай.

Кеча бўлиб ўтган қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Сўғдиёна»— «Наврўз» — 3:1
«Косонсой» — «Трактор» — 1:1
АСК — «Динамо» (С) — 1:0.

Бугун «Нурафшон» — «Нефтчи», «Динамо» (У) — «Атласчи», «Дўстлик» — «Машъал», «Навбаҳор» — МҲСК учрашувлари бўлиб ўтади. Шундан сўнг олий лигада 12 майга қадар танаффус эълон қилинади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

№ 53

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Ҳадиси шарифларда: «Халқ соясидан фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни Аллоҳ Таоло дўзахга маҳкум этур», — деган сўзлар бор.

Бу бежиз эмас, эътибор қилинг-а: йирик шаҳарларда ҳар бир кишига 5 квадрат метр, турар жой мавзеларида 7 квадрат метр яшил ўсимлик олами тўғри келиши зарурлиги олимлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Шаҳримиздаги хиёбонлар, боғлар, дам олиш масканларидаги яшил дов-дарахтлар миқдори ҳудуд майдонининг 70 фоизини ташкил этмоғи даркор. Дарҳақиқат, ҳамшаҳарларимизнинг эмин-эркин, соғ-саломат яшашларида, дов-дарахтларнинг шаҳар ҳавосини тозалашда аҳамияти каттадир. Ўртача катталикдаги дарахт бир кеча-кундузда 3 киши учун зарур бўлган кислородни ишлаб беради. Бир гектар майдондаги дарахтлар эса унига 220—280 килограмм ис газини ютиб, 180—200 килограмм кислород ҳосил қилади.

Жазирама иссиқда дарахтзордаги ҳарорат 2,5—3 даража салқинроқ бўлади. Бир гектар дов-дарахт 100 тоннагача, игнабаргли ўрмон эса 40 тонна чангни ютар экан.

Ишлаб чиқариш саноат корхоналари атрофига чинор, терак, эман ва бошқа манзарали дарахтлар экилса айни муддао бўлади. Жўка, настарин барглари чанг-ғубор, олтингугурт кукунини яхши ютади. Мабодо заҳарли моддалар миқдори ҳаддан зиёд ортиб кетса ўсимликнинг ҳужайралари ва ниҳоят дарахтнинг ўзи ҳам нобуд бўлади. Шунинг учун яшил дўстларимизга асло бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Шу куннинг мавзуида

БОҒ ЯРАТИНГ!

Турли касаллик тарқатувчи бактериялар кўп бўлган ҳудудда уларни емирувчи дарахт турларини кўпроқ экган маъқул. Айниқса оқ қайин, оқ акация, мажнунтол, қарағай каби ниҳоллар экилса айни муддаодир. Дов-дарахтлар афзаллигининг яна бир томони улар шовқин-суронни ҳам бирмунча камайтиради.

Азиз ҳамшаҳарлар! Мевали ва манзарали дарахтларни асрайлик, боғзорлар барпо этайлик! Токи ўзгалар ва ўзимиз улардан баҳраманд бўлайлик! Дилимиз ва кўзимиз равшан тортсин! Яшиллик, гўзаллик ва мусаффолик оғушида яшайлик! Шаҳримиз қанча обод бўлса — дилимиз шунча шод бўлади.

Ким ФАТТОҲОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси март ойида табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларига риоя этиш ва атроф-муҳитни, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича 35 корхона, ташкилотларда текширувлар ўтказди.

Назоратчилар томонидан ҳавога чиқинди чиқарувчи 1191 та манбалар кўздан кечирилди. Шундан 472 та манба тозалаш ускуналари билан жиҳозланган.

Ўтган ой давомида қонунбузарликка йўл қўйган корхоналарнинг 7 раҳбар ходимига 4300 сўм миқдорида жарималар солинди, шундан ҳозирча 3000 сўм ундирилди.

Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида корхоналарга назоратчилар томонидан 176 йўриқномалар тавсия этилди. Аввал берилган 94 йўриқнома бўйича корхоналар ишларни тўла-тўкис бажарганини таъкидлаш ўринлидир.

Ой давомида 136 та чанг ва газ тозалаш ускуналарининг ишлаши ҳам текширилди. Улардан 2 таси носоз ҳолда ишлаётгани аниқланди.

Текширишда аниқланди

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

«Ўзагрохорижқурилиш» корхонасида йўлка плиткаси чиқарадиган цехнинг иши экологик экспертизадан ўтмагани учун тўхтатиб қўйилди.

Ўтган ой мобайнида назоратчиларимиз томонидан 7 та автотранспорт корхонасида 26 та автомобиль ҳаракати тўхтатиб қўйилди. Сабаби автомобилдан чиқаётган газлар миқдори меъёрдагидан бир неча марта ортиб кетган. Текширишларда носоз ҳолатлар аниқланди.

Халқимизда «Ваъда вафоси билан» деган ибратли сўз бор. Тавсия этилган йўриқномаларга, қонун-қоидаларга амал қилган, бажарамиз, деб айтган сўзининг устидан чиққан корхоналар сони кўпаяверса, айни муддао бўларди.

Исмоил ШАМСИМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилар гуруҳи бошлиғи.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан ҳар ойда Тошкентда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иш жараёни мунтазам текшириб борилади. Жумладан, Ҳамза туманининг 95 га яқин корхонасида атроф-муҳитни ҳимоялаш борасидаги тадбирларнинг доимий ўтказилишини назорат этиб бордик.

Ўтган йилги ишларни сарҳисоб қиладиган

Гапни гапир уққанга

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

бўлсак, атмосферага заҳарли моддаларнинг чиқиши йилига 36,95 тоннага, азот чиқиндилари 40 тоннага, углерод чиқиндилари эса 10 тоннага камайгани қувончли ҳолдир.

Туман миқёсидаги битта чиқинди манбаи йўқотилди. Бешта айланма сув билан таъминлаш тизими фойдаланишга топширилди.

Туманнинг 86 та корхонасида чиқинди манбалари қайтадан рўйхатдан ўтказилди ҳамда уларни ташлаш учун рухсатномалар олинди. Лекин тегишли ҳуқуқ-тартибот муассасалари, ободонлаштириш бошқармаси, санитария-эпидемиология станцияси, транспорт прокуратураси мутасаддилари билан ҳамкорликда ўтказилган текширувга қараганда айрим корхоналарда олиб борилаётган экология тадбирлари ҳали талабга жавоб берадиган даражада эмас. Масалан, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 6 йил давомида чиқинди манбалари рўйхатга олинмаган; 15-цехда кимёвий қайта ишлаш майдончасидаги таъмирлаш ишлари якунланмаган; «М» майдончасидаги тозалаш иншоотларининг таъмирланишига ким жавобгар — буни ҳеч ким билмайди; биосульфид натрий омборининг қурилиши ҳамон туя гўшти еб ётибди.

Тепловоз депосида ҳам аҳвол шунга ўхшаш. «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамиятида шаҳар канализацияси билан боғлиқ қурилиш ишлари ўлда-жўлда. «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида 2-тартиб рақамли чиқинди манбаини бартараф қилиш ишлари бу яқин орада тугалланмаса керак.

Текширув жараёнида 53 нафар масъул лавозимдаги шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Номақбул цех ва ишлаб чиқариш участкалари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги 20 та фармойиш чиқарилди.

«Тўғри гап туққанингга ёқмайди», деб бекорга айтмаган доно халқимиз. Айрим корхона, ташкилот раҳбарларининг салбий ҳолатларни хаспўшлаши бизни ниҳоятда ажаблантирди. Ахир касални яширсанг, иситмаси ошкор этади-ку.

Раъно НЕЪМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.

Жонкуяр бўлайлик

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ҳар бир инсон дунёга келар экан, ўзидан кейин авлод қолдиришга ҳаракат қилади. Мана шу авлод келажак билан, атроф-муҳит билан, она табиат билан боғлиқлигини унутмаслиги керак. Зеро она табиатни сақлаш авлодларимиз келажаги ҳақидаги энг катта ғамхўрликдир.

Фарзандларимизга экологик таълим ва тарбия бериш шу куннинг энг долзарб ижтимоий муаммоларидан биридир. Болаларни ёшликдан она юртни севишга, ҳар бир дарахт ва жонзотни кўз қорачиғидек асрашга ўргатиш, уларга табиат билан инсоният чамбарчас боғлиқлигини, бир-бирисиз яшай олмаслигини тушунтириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Болалар ҳаётида атроф-муҳит алоҳида ўрин тутади. Улар гулларни, дарахтларни, жониворларни парваришлашда ғамхўрлик кўрсатадилар. Бу борада Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари шаҳримиздаги бир қатор мактабларда, шу жумладан Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб, Ҳамза туманидаги 255-мактаб ва Акмал Икромов туманидаги 306-мактаб-лицей, 167-мактабларда, шу тумандаги «Ором» болалар боғчасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Ҳамза туманидаги 255-мактабда 2 йилдирки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича экологик ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Ўқувчиларни назарий ва амалий тарафдан билимларини мустаҳкамлаш мақсадида машғулотлар махсус жиҳозланган лаборатория хоналарида ўтказилмоқда. Болаларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бу йил уларни завод, фабрикаларга, дала ва тоғ ёнбағирларига экскурсияларга олиб бориш режалаштирилмоқда.

Юқорида қайд этилган мактаблардан ташқари шаҳримиздаги бошқа мактаб педагогик жамоалари ҳам Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан алоқа боғлаб, мутахассислар билан биргаликда экологик таълим-тарбияни олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ОБ-ҲАЁТНИ АСРАНГ

Саноат корхоналари, коммунал-маиший корхоналари, автохўжаликлар, қурилиш ва шу кабиларнинг чиқиндилари ҳавога энг кўп зарар келтираётир. Шаҳримизда кўплаб кичик, қўшма, хусусий корхоналар ташкил этилмоқда. Улар ўз ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланган сувларни қайта тозалашни йўлга қўймаяптилар, атмосферани ифлослантираяптилар, керакли хужжатлари бўлмаган ҳолда иншоотлар қурмоқдалар.

Сув тақчиллиги кечаётган бир шароитда уни ифлосланишдан ҳимоя қилиш масаласи муҳим масалага айланмоқда. Корхоналарда ўтказилган сувни муҳофаза қилиш тадбирлари бирор кўзга кўринарли натижа бермаётир. Сув манбаларини ифлослантириш давом этаётир. Уларнинг аксарияти юқумли касалликлар манбаига айланиши мумкин.

Бир қатор корхона ва ташкилотлар ифлосланган сувларини шаҳримиздан оқиб ўтаётган Салор, Бўзсув, Қорасув, Чирчиқ, Бўржар, Жун каналларига, Чирчиқ дарёсига ва бошқа канал, ариқларга оқизмоқдалар.

Қорасув каналини олиб кўрайлик. Уни Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамияти ифлослантирмоқда. Салор каналини эса 89-автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси, 1-қозонхона, 4-автокорхона ва 2515-автоколонналар, Қорақамиш каналини 18-автокорхона ва бошқа корхона ва ташкилотлар нефть маҳсулотлари, бошқа зарарли моддалар билан тўйинишига сабаб бўлмоқдалар. Бу эса канал ва ариқлар бўйидаги дарахт ва ўтларнинг қуришига, ҳавонинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Бу ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул шахслар ҳамшаҳарлари олдидаги масъулиятни унутиб қўйганлар. Ахир шаҳримиздан оқиб ўтаётган сув ҳар биримизнинг хонадонимизга кириб келади-ку!

Шаҳримиздаги бундай ҳолатларга қарши курашаётган шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан мунтазам текширишлар ўтказилмоқда ва қонунбузарларга қарши ўтган 1996 йилнинг биринчи чораги давомида юздан ортиқ маъмурий чоралар кўрилди.

«Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятининг транспорт бўлими бошлиғи Ҳусанов 750 сўм, «2-Кўнчилик заводи» бош энергетиги Булатов 500 сўм, шу заводнинг бош муҳандиси Чориев 250 сўм, 2519- автоколонна бош механиги Баранов 500 сўм, «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Саввинова 400 сўм, 2-автохўжалик механиги Ирисқулов 750 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

Агар шаҳримиздаги мана шундай корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари юқорида зикр этилган камчиликларнинг олдини олиб, шаҳримизнинг ободу кўркамлигига ўз ҳиссаларини қўшсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки шаҳримиз ободлиги, ҳавосининг софлиги, сувнинг тозалиги ҳаммамизнинг бойлигимиздир.

Маҳмуд МАДАМИНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик тартибот ва илмий-техника тараққиёти бўлими мутахассиси.

Ҳар куни узоғимизни яқин қилгани учун транспорт воситаларига, ҳайдовчиларга дил-дилдан раҳматлар айтамиз. Раҳмат ўз йўлига албатта. Лекин нафас олиб турганимиз об-ҳавони заҳарлашда, ифлослантиришда автомобиллардан чиқаётган газлар анча-мунча салбий роль ўйнаётганидан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак.

Тоза ҳаво — жонга даво

ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари «Тошшаҳарйўловчитранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 14 та автокорхонасини кўздан кечириб чиқишди. Текширув давомида 361 автомобиль синчиклаб назоратдан ўтказилди. Маълум бўлишича 32 автомобиль ҳавога заҳарли моддаларни меъёридан бир неча ўн марта кўп чиқарар экан. Улар тузатиш учун тўхтатиб қўйилди. Текширув натижасига кўра умумий миқдори 20 минг сўм бўлган 31 далилнома тузилди. Аниқланган камчиликларни тугатиш мақсадида 160 моддадан иборат тавсияномалар ишлаб чиқилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» тасарруфида жами 4133 автомобиль бор. Булардан 3862 таси бензин билан, 571 таси дизелли, 611 таси газ билан ишлайди.

Ҳавони муҳофаза қилиш борасида «Тошшаҳарйўловчитранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1995 йил учун олти тадбир ўтказишни мўлжаллаган, бунга 15 миллион 450 минг сўм сарф этилиши кўзда тутилганди. Оқибат натижада атмосферага чиқинди чиқиши 173 тонна 200 килограммга камайиши режалаштирилган эди. Амалда 6 тадбир ўтказилди, бунга 16 миллион 246 минг сўм сарфланди. Чиқинди чиқиши эса 1362 тонна 900 килограммга камайди. Сувларни тоза сақлаш борасида ҳам 6 тадбир амалга оширилиши керак эди. Бу мақсадлар учун 10 миллион 292 минг сўм сарф этилиши керак эди. Амалда эса ўтказилган икки тадбирга 5 миллион 230 минг сўм сарф бўлди. Режадаги атроф-муҳитни ҳимоя қилиш хусусидаги тадбирларни ўз вақтида сифатли бажарилмаслигига қуйидаги автосаройлар асосий сабабчи бўлдилар:

1-автосаройда сув босим минораси қурилиб ишга туширилмади;

4-автосаройда ёнилғи қуйиш шохобчасини қайта қуриш, автомобиль ювиш жойига тозалаш ускуналари ўрнатиш ишлари бажарилмади;

18-автосаройда оқава сувларни шаҳар канализациясига туширишни техник ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилмади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўпгина корхоналарида автомобиллардан чиқаётган тутунларнинг таркибини аниқлашга етарли эътибор берилмайди, ёнилғи тизимини ўз вақтида созлаш ҳақида ўйлаб кўрилмайди. Жумладан 4-автосаройдаги (директори Н. Абдуллаҳўжаев) 23 фоиз автомобиль йўналишларга носоз аҳволда чиқарилади. 3-автосаройдаги (директори М. Йўлдошев) 11 фоиз, 8-автосаройдаги (директори А. Исмоилов) 11 фоиз, 18-автосаройдаги (директори Х. Турсунов) 11 фоиз автомобиллар ҳам шундай аҳволда.

«Амир Темур» акционерлик жамиятида чиқинди чиқарадиган манбалар қайта рўйхатга олинмаган, йўл қўйилган меъёрга эътибор берилмайди ҳам. Ҳатто ҳавога чиқиндиларнинг чиқиш миқдори ҳам ҳужжатлаштирилмаган. 1, 4, 8-автосаройларда бор бўлган рухсатномалар эса 1 ойдан 6 ой муддатга берилган, холос. Умуман «Тошшаҳарйўловчитранс»нинг барча автокорхоналарида ҳосил бўлган чиқиндиларни меъёрлаш ишлари олиб борилмаган.

Назоратдан кейин 4-автосарой ва 2519-автоколонналарнинг артезиан қудуқлари ёпиб қўйилди. 2-автосаройнинг Қорасув каналидан сув оладиган сув сақлаш иншоотидан фойдаланиш муддати аллақачон ўтиб кетган.

1, 2, 4, 8, 12-автосаройларнинг, 2519-автоколоннанинг ҳудудларини шунчалик мой босиб кетганки, улар ер ости сувларига қўшилиб, уларнинг таркибини бузиши ҳеч гап эмас. Айниқса, 1, 3, 7, 18-автосаройлардаги ер остидаги сув ҳавзаларининг аҳволи ҳам ташвиш туғдириши табиий. Буларнинг барчаси табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш ишларига бўлган эътиборнинг сусайганидан далолатдир.

Текширилган 14 автокорхонанинг 4 тасидагина сел, жала, оқава сувларини тозалаш учун қурилма бор холос. 4-автокорхонадаги қурилмалар эса тўла қувват билан ишламаяпти. 2, 3, 7, 12, 18-автосаройларда эса улар умуман йўқ.

Яна бир ташвишли хулоса: 1996 йилда Қорасув канали сувидан текшириш учун олинганда 18-автосаройдан каналга келиб тушаётган нефть маҳсулотлари ҳар литрига 0,58 миллиграммга тўғри келди. Бу йўл қўйилган меъёрдан 11,6 марта кўп демакдир. Ўтган йили эса у 34 мартани ташкил этган эди!

Умуман, шаҳримиздаги автомобиллар, автокорхоналарнинг ҳолати яхшиланишни тақозо этади. Буни шу ишга мутасаддилар унутмасликлари керак.

Шавкат ЭРГАШЕВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари.

НАСТАРИН

Серқуёш ўлкамизга баҳор келиб, борлиқни яшнатиб, дилларга шодлик улашиб, чаманга чирой бағишламоқда. Ўт-ўланлар чиқиб, дарахтлар куртак очмоқда. Ана шундайлардан бири — настариндир.

Настарин кичик дарахт ёхуд бута бўлиб, мойлилар оиласига мансуб. Илдизи кучли тараққий этган. Баландлиги 2 метрдан то 7 метргача боради. Барглари тухумсимон, узунлиги 5—10 сантиметр, эни 3—6 сантиметр, силлиқланган, ёрқин-яшил тусда. Гуллари ҳушбўй, тўртта тишсимон яшил косача, оқ, пушти бўлади. Май ойида гуллайди, меваси июлда пишиб етилади.

Настарин боғларда, истироҳат боғларида, хонадонларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Унинг шифобахш хосиятлари ҳам талайгина. Асосан барги ва гуллари халқ табобатида қўлланилади. Барг дамламаси буйрак хасталикларида, буйрак-тош хасталигида наф беради. Гулларининг дамламаси шамоллаганда иситма туширувчи, ел ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Барги майдаланиб, йиринглаган яраларга қўйилса малҳам бўла олади. Туйилган гуллари билан сариёғни тенг миқдорда олиб суртма тайёрланади. Бу эса бод (ревматизм), бўғим оғриқ (артрит, бўғим газак)ларда фойдалидир.

Настарин енгил йўталда, пешоб ҳайдовчи, ич кетиш, бронхит, пневмония, юқори нафас йўллари шамоллаганда, ўпка сили хасталиги, беланги, пешоб пуфаги шамоллашида яхши наф келтиради.

Настарин гуллари кимёвий таркибида аччиқ-фенилгликозид-сирингин, сирингопикрин, эфир мойи, фарнезол каби моддаларни сақлайди. Пўстлоғида ва баргида сирингин моддаси бор.

Настаринни қўллашда албатта шифокор-мутахассисга мурожаат қилиб унинг маслаҳатига риоя этиш даркор. Сабаби ўсимлик заҳарли, айниқса истеъмол қилинганда эҳтиёт бўлиш керак. Акс ҳолда

ЎЛКАМИЗНИНГ ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРИ

«Қош қўяман деб кўз чиқармаng». Ҳамма нарсанинг меёри бор. Буни ёдда тутинг.

ШИБИТ

Бу ўсимлик бир йиллик. Ўзига хос хушбўй ҳиди бўлиб соябонгуллилар оиласига мансуб. Бўйи 30—120 сантиметрга боради. Барги патсимон қирқилган, гуллари майда бўлиб, тўп гулларни ҳосил қилади. Меваси жигарранг ёхуд кулранг. Икки уруғли. Ёзда гуллаб, эрта кузда пишади.

Шибит ватани Эрон, Миср, Марказий Осиё ҳисобланади. У йил бўйи етиштирилади. Боғларда, иссиқхоналарда етиштирилаётган шибит меваси бирин-кетин пишади. Шунинг учун у 2—3 марта терилади.

Шибит ўз таркибида эфир мойи, қанд, азотли моддаларни сақлайди. Баргида С, В6, В1, В2 дармондорилар, пантотенат кислота, каротин, фитонцидлар, кверцетин, кемпферол каби моддалар жо бўлган.

Шибит ошқўк сифатида ҳам ишлатилади. Сабзавотлар тузлашда, қандолатчилик ишларида қўлланилади. Шу билан бирга унинг шифобахшлиги ҳам талайгина. Шибитнинг уруғи ва илдизи халқ табобатида қадрланади. Дамлама, қайнатмалари иштаҳа очиш учун, қорин дам бўлганида, меъда ва ичак оғриғида, жигар хасталикларида яхши наф келтиради. Ўт-тош хасталигида, пешоб пуфаги шамоллашида, буйрак-тош касаллиги, уйқусизлик, қон босими юқори бўлганида эм бўлади. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш, нафас йўллари шамоллашида яхши омил ҳисобланади. У шунингдек, тинчлантирувчи, ел ҳайдовчи, пешоб ҳайдовчи, йўтал қолдирувчи сифатида ҳам тавсия этилади. Шибит барги, шохчалари, уруғи қайнатмалари бел оғриғида даво бўлади. Кўнгил айнишида фойда қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, шибитни қон босими паст бўлган кишилар, оғир жисмоний меҳнат қилувчилар, ақлий зўриқишдан кейин эҳтиётлик билан истеъмол қилишлари лозим. Акс ҳолда ҳолдан кетиб, кўз олди қоронғулашиб кўз вақтинчалик унчалик равшан кўрмаслиги юз бериши мумкин. Шу боис меъёрида, асал билан истеъмол қилинса, бундай нохуш асоратлар рўй бермайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

УЙДАГИ ГУЛЗОР

Баҳор чоғлари гул-чечаклар хонадонимизга янада кўркамлик, фусункорлик бахш этади. Айримлар нима учундир уйда гул етиштиришни исташмайди. Лекин хонаки гуллар уй ҳавосини намлантириб, тозалаб, фитонцид моддаси билан таъминлайди. Айниқса ёронгул, кактус, алоэ ўсимликларининг бу борадаги аҳамияти катта.

Газандаўт пашшаларни ҳайдовчи гиёҳ ҳисобланади. Ундан таралаётган эфир мойи куянинг ҳам кушандасидир. Ўсимликлардан ажралаётган углекислота хонада ҳаддан зиёд кўпайиб кетади, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Мутахассисларнинг тадқиқотига кўра хонадаги 20 та ўсимлик бир одамдан 30 баробар кам углекислота ажратар экан. Тўғри, бунда ўткир бўй таратувчи гулларни кечқурун ётоқхонадан олиб бошқа жойга қўйиш тавсия этилади.

ЧЕЧАКЛАР МАЛИКАСИ

Атиргул ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимий ҳинд манбаларида учрайди. Лекин чечаклар маликаси — атиргулнинг асли ватани Эрон ҳисобланади. Эътибор берган бўлсангиз шеъриятимизда «гул» сўзи қўлланилганда аввало атиргул тушунилади. Умар Хайём, Саъдий, Низомийлар эса ўз ғазалларида атиргулни катта эҳтиром ила тилга оладилар. Умуман олганда эронликлар барча гуллардан атиргулни афзал биладилар. Шунингдек унинг кўпдан кўп турини завқ билан етиштиришади. Ҳиндистонга гуллар маликаси XVI асрда буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан келтирилган.

Парижда ана шу гулнинг барча навини йиғиб, парваришловчи «Атиргул Боғи»нинг шуҳрати кўпчилик давлатларга яхши аён. Боғдаги бир бутада икки юзга яқин ғунчалар бўлса, айримлари, масалан «Хитой» атиргули эса йилига атиги икки марта гуллайди. «Олтин уйқу», «Қувонч», «Минг париваш...» Номланишини эшитган заҳотиёқ дилингиз яйраб кетади-я.

Гавай оролларида ёввойи қора ва мовий ранг атиргуллар бор. Гул япроқларини кўрган киши гўё кўм-кўк осмондан гул ёғилибди деб ўйлайди.

Билиб қўйган яхши

МОМАҚАЙМОҚ

Кўчада кетяпсиз. Ям-яшил майсалар узра момақаймоқ гули бодроқдек сочилиб кетган. Қуёш чиқиши билан у ҳам очилади, кун қайтганда яшириниб олади. Гули тугагач момиқ парга бурканиши айниқса болажонларга хуш ёқади. Момақаймоқ май ойидан июлгача, баъзан эса кузгача гуллайди. У ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, кимларнингдир хаёлига Р. Брэдберининг «Момақаймоқли шароб» қиссаси тушиши табиий. Қисса-ку хаёлий тўқималар асосида яратилган, бироқ юқорида номи зикр этилган ичкилик Британия оролларининг ахолиси учун анъанавий ичимликдир. У ерда ўсимликларнинг деярли ҳамма тури таом тайёрлашда ишлатилади. Сабаби барча гиёҳнинг кимёвий таркиби инсон учун фойдали экан. Дарвоқе, момақаймоқ ўсимлиги озиқ-овқат саноатида қўллаш мақсадида Франция, Германия, Голландия, АҚШ, Япония, Австрия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда катта миқдорда етиштирилади. Ахир унинг шифобахшлиги неча асрлар аввал исботланган-ку!

«ЧАНГДА ҚОЛГАН»

Кейинги пайтда идоралар, иш юритиш хоналарида кўркам пальма ўсимлигини парваришлаш расм бўлди. Устига устак у чидамли, на ёруғликка, температурага ва на озодаликка нисбатан «инжиқ» эмас. Шуниси эътиборга лойиқки, зараркунанда ҳашаротлар унга кўп ҳам ҳужум қилавермайди.

Пальмани кенгроқ тувакка уч қисм бўз тупроқ, бир қисм ҳас-хазон ва ярим қисм қумга ўтқазиш яхши натижа беради. Агар уни бошқа тувакка ўтқазмоқчи бўлсангиз бу ишни апрель ойида бажарганингиз маъқул. Ўсимликни тез-тез ва кўп миқдордаги сув билан суғориш керак.

ЯНА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Гулдондаги кўзни қувнатувчи гулларнинг маълум турлари бошқаларини унчалик «ёқтирмайди». Яъни, настарин, марваридгул ва бинафшалар бир-бирига яқин турса тез сўлиб қолади. Афтидан бўтакўз билан лола ҳам «уришиб қолишган» чоғи, имкон қадар уларнинг бирини бошқасидан узоқроқда сақланг. Қарангки, марваридгул бўтакўз билан яхши чиқишар экан. Атиргул, астра (қўқонгул) ҳамда қалампиргулдан иборат гулдаста яхши сақланади. Лекин бу гаплар наргиз ва марваридгулга мутлақо тўғри келмайди.

Гулдондаги гуллар янада узоқроқ сақланиши учун ботаник олимлар айрим маслаҳатларни бермоқдалар. Пиёнгул ва атиргул поясининг пастки қисмини гугурт билан озгина куйдириш кифоядир. Ундан ташқари атиргулнинг қуйи барглари сувга тегмаслиги керак. Гладиолуснинг бир-икки ғунчаси очилгач узиб, сувга тегиб турувчи поясини игна билан тирнаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Эгилиб қолган лолаларни электр лампочка тагига бироз муддатга қўйилса яхши наф беради.

Нозима ИСЛОМОВА

1996 йил — Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИ МОЛИЯВИЙ ТИЗИМИ

Марказий Осиёда ижод қилган мутафаккирларнинг иқтисодий мавзулардаги асарлари билан танишар эканмиз, уларда мамлакатнинг иқтисодий қудрати ҳақида сўз юритилганда асосан ҳудуднинг катталиги, аҳолиси, табиий имкониятлари, лашкарлари билан бир қаторда давлат ихтиёрида бўлган хазинанинг ғамламалари ҳақида ҳам гап боради.

Бизга маълумки, азалдан давлат ихтиёридаги хазина икки қисмдан иборат бўлган: биринчиси — асосий хазина; иккинчиси — харажат учун хазина. Жорий маблағлар тақчиллиги сезилганда асосий хазинадан қарз олинган. Лекин бу хазинани доимо тўлдириб боришга ҳаракат қилинган. Йиллик жорий харажатлардан ортган маблағлар асосий хазина ғамламаларидан жой олган. Хазинабон кирим-чиқимларни мўътадил ҳисобга олиб борган ва ҳукмдорга зарур маълумотларни тақдим этган. Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлигида хазинанинг тақчиллиги кам сезилган.

Соҳибқирон замонида жаҳонда ҳали биринчи бюджет (хазина) шаклланмаган бўлса ҳам, лекин унинг илк куртаклари кўрина бошлаган эди. Фақат марказий хазинага келиб тушган ва унинг ҳисобидан қилинган харажатларгина эмас, балки вилоятлардаги кирим-чиқимлар ҳам мунтазам ёзиб борилган. Вилоятнинг биринчи вазири тиюл қилиб берилган (солиқ ва йиғим тўплаш ҳуқуқи билан инъом этилган мулк) ҳудудидан келган даромадларни, мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиб борган. Лекин бу даврда йил бошланмасдан хазинанинг кирим-чиқимлари, келгуси йилда тушадиган солиқлар ва харажатлар режалаштирилмаган. Бироқ маълумотлар шундан дарак берадики, Амир Темур даврида мамлакат хазинаси асосан шаклланган бўлиб, ундан мамлакатнинг молия тизимини барқарорлаштиришда кенг фойдаланилган. Ваҳоланки, бу нарса Оврупода, яъни Англияда биринчи бўлиб XVII асрнинг 70 йилларида, Францияда эса XVII асрнинг охирларида тузилган эди.

Биз Амир Темур давлатининг харажатлари ҳақида сўз юритганимизда, ўша даврнинг харажат дафтарлари сақланмаганлиги учун Соҳибқирон тарихининг умумлаштирилган саҳифаларига мурожаат қилишимизга тўғри келади. Молия фани талабларини эътиборга олиб, харажатларни ўрганиш учун унинг таркибидаги сарфларнинг бир-бирига мос томонларини бирлаштириб, илмий асосланган гуруҳларга ажратиш талаб қилинади. Биз дастлаб барча харажатларни беш гуруҳга ажратишни лозим топдик. Булар қуйидагиларни ташкил қилади:

1. Ҳарбий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган харажатлар;

2. Маъмурий идора ва салтанат саройи харажатлари;

3. Иқтисодий ва ободончилик мақсадларини кўзлаб қилинган харажатлар;

4. Илмий, маданий ва диний тадбирлар билан боғлиқ харажатлар;

5. Ижтимоий ҳимоя ва бошқа харажатлар.

Харажатларнинг келтирилган гуруҳи марказий давлат маҳкамаси ва вилоят маҳкамаларининг харажатларини қамраб олади. Амир Темур ўзи фатҳ этган 27 мамлакат молиясини бир марказдан идора қилиб, барча вилоят маҳкамалари ва тадбирларини маблағ билан таъминлашни марказий хазина зиммасига олиш оғирлигини эътиборга олиб, вилоятларни идора қилишни ўзи белгилаган ҳокимларга, вазирларга юклаган.

Ҳарбий харажатларга келсак, узоқ йиллар давом этган ҳарбий юришлар катта миқдорда маблағ сарф қилинишини талаб қилар эди. Шунинг учун ҳарбий харажатларни тақсим этганда ўзга мамлакатлардан тушадиган солиқ ва йиғимлардан ҳам фойдаланилган. Бу харажатлар ҳақида қисман тасаввурга эга бўлиш учун 1398 ва 1399 йилларда Ҳиндистонда олиб борилган ҳарбий юришда 92 минг лашкар иштирок этган. 1405 йили Хитой ҳарбий юришига 200 минг киши сафарбар қилиш кўзда тутилганлигини эслаш кифоя. Лашкарларнинг аксарият қисми отлиқ сипоҳийларни ташкил этган. Шундай экан, биз фақат лашкарларнинг сонига эмас, улар таъминотига ҳам эътибор беришимиз керак. Қўшиннинг пуллик маошидан ташқари, уларнинг моддий таъминотига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жанг харажатлари учун лозим бўлган яроқ ва анжомлар ҳам ҳар бир лашкар сонига қараб белгиланганини кўрсатиб ўтишимиз лозим. «Юриш вақтида оддий аскарлар ҳар ўн саккиз киши учун ўзи билан бирга чодир (хайма) олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон (таркаш), бир қилич, арра, бигиз, бир қоп (жувол) жуволдиз, болта, ўнта игна ва орқага осадиган чарм халта (чам пушт) олсин», — деб буюрар эди Темур.

Темурнинг ҳарбий харажатлари ҳақида гап кетганда, унинг ҳарбий ва маҳфий разведкага катта эътибор берганлигининг гувоҳи бўламиз. Разведка учун сарф қилинадиган харажатлар ҳақида «Тузуклари»да қуйидагилар таъкидланган: «Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар сарҳадларининг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадларини ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасдан бурун чора ва иложини қилайлик. Чунончи Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида эди ҳузуримга паноҳ излаб келишини билдим. Шунинг учун Ўрусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим...»

Амир Темурнинг маъмурий бошқариш ва салтанат саройи харажатлари ҳарбий харажатдан кейинги навбатдаги харажатларидандир.

Давлат маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида марказий маҳкама етти вазирликка тақсимланиб, улар ўртасида доимий вазифалар белгиланиб, ҳар бир вазирлик белгиланган тартибда вилоятлар билан алоқа қилиб турар ва етарли маълумотларни олишга ҳамда вазирликка етказишга ҳаракат қилишган.

Марказий маҳкаманинг муҳим вазифаларидан бири вилоятлар устидан назорат ўрнатиш эди. Дастлаб бундай назорат марказий маҳкамада ўрнатилар эди. «Яна амр қилдимки, — деб кўрсатилади «Тузуклар»да, — амирул-умаролар ўз маошларини девонбеги ва вазирларнинг тасдиғи билан олсинлар. Давлат томонидан бериладиган бутун маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар аввал менга билдириб, сўнгра танқо берсинлар». Амир Темур харажатлари таркибида ободончилик ва ижтимоий ҳимоя харажатлари ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Соҳибқирон томонидан бунёд этилган ўнлаб шаҳар ва боғдор, саройлар, мақбаралар шулар жумласидандир. Темур фақат Самарқанддагина эмас, балки бошқа шаҳарларда ҳам диний, маданий муассасаларнинг қурилишига алоҳида эътибор берган. Катта-кичик шаҳар ва қишлоқларда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилишни, фақиру мискинларга лангархоналар солишни, касаллар учун шифохоналар қурилишини ва унда табиблар тайинланишини амр қилади.

Ижтимоий ҳимоя харажатлари ижтимоий-маданий харажатларнинг таркибий қисмидир. Темур ўз тузукларида фақиру мискин, бирор касб қилишга ожиз, шол, кўрларга нафақа бериш лозимлигини таъкидлайди.

Шарқда ўтган ҳукмдорлар ўзидан кейинги валиаҳдга отасига нисбатан кўпроқ мерос қолдириш ва тўпланган маблағларни икки қисмга бўлиб, биринчи қисмини жорий харажатларга сарфлаш, иккинчи қисмини эса жамғармага ўтказишни молия сиёсатининг марказий мақсади деб билишар эди. Аммо Темур бўлса хазина маблағини кучайтириш ва оқилона сафлаш учун ўз молия тизимининг янги қирраларини шакллантирди.

Ўктам НИКБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспиранти.

Журналист Дилбар Маҳмудованинг кўп йиллик журналистик фаолияти «Ўзбекистон овози» («Совет Ўзбекистони») газетаси билан чамбарчас боғлиқ. У чорак асрдан кўпроқ вақт газета саҳифаларида ўзининг ахлоқ-одоб, маънавий қадрият, хотин-қизлар мавзуларидаги мақолалари билан фаол қатнашиб, муштарийлар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

У ҳозирда ҳам ўзининг долзарб мавзулардаги мақолалари билан матбуотда фаол иштирок этиб келаётир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова 60 ёшга тўлди. «Тошкент оқшоми» саҳифаларида ҳам фаол қатнашиб келган Дилбар опани муборак ёшлари билан қизғин қутлаб муштарийларимиз эътиборига унинг қуйидаги мақоласини ҳавола этамиз.

Ҳаёт сабоқлари

ИНСОН ҚАДРИ

Пойтахтдаги олий ўқув юртларидан бирида узоқ йиллар ишлаган, бор билими, қалб қўрини ёш авлод тарбияси учун сарфлаган мураббий тўсатдан дарсга келмай қолди. Билишсаки, у ўз аризасига биноан ишдан кетибди. Домланинг уй манзилини билган ҳамкасбларию талабалари эшигининг турмини бузишди: нима гап, нега, деган саволларга домла қисқагина «Чарчадим, бироз дам олмоқчиман», деб баҳона қилди.

...Уч кун ўтмай, институт касаба уюшмаси раиси ва у ишлайдиган факультет ўқитувчиларидан иборат вакиллар ҳамкасбларникига кириб келишди.

...У билан ишлаш ниҳоятда завқли, мазмунли ўтгани, ишдан кетиб қолганидан институт жамоаси жуда афсусланаётгани ҳақида бирлари олиб, бирлари қўйиб узоқ гапиришди... Хайрхўшлашаётиб, жамоамиздан эсдалик, деб катта девор соатини қолдириб кетишди...

...«Тушимми, ўнгимми», дерди домла ғалати ҳолатга тушиб. Очиғи, уларнинг келиши ҳам, совға-саломи ҳам уни хурсанд қилмаган эди... Наҳотки, ҳаммасига шу билан нуқта қўйилди. Наҳотки, битта бошлиқнинг хоҳиш иродаси шундоқ катта жамоанинг, қолаверса, ўзининг орзу-умидларидан устун келди... Шуми оқибат, шуми одамнинг қадр-қиммати... Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деганлари шудир-да...

...Раҳбарлик вазифасига баъзида тасодиф одамлар ҳам тайинланиб қоладилар. Улар амал курсисида ўзларини ҳар он омонат ҳис этиб турар эканлар, шу жамоадаги ўзларидан билимдон, тажрибали ходимлардан ҳадиксирайдилар. Унинг атрофида шундай муҳит яратадиларки, у ўз-ўзидан ишдан кетишга ариза ёзади...

Шуниси таажжубланарлики, жамоа ана шундай воқеаларнинг шоҳиди бўлади. Лекин улар орасидан саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб, адолатни ҳимоя қилиб чиқадиган мард топилмайди. Ким ишдан кетишдан, ким бошлиққа ёқмай қолишдан қўрқади... Билишмайдики, бугун ўша ҳамкасблари бошида синган калтак эртага бошқа бировларининг бошига тушиши мумкин...

Бир даргоҳда чорак аср ишлаган одамни наҳотки, ҳамкасб жамоаси бир пиёла чой ташкил қилиб кузатув ўтказмаса... ўша қурғур девор соатни ими-жимида уйига ташлаб кетиш қаёқдаю, бир даста гул билан жамоа олдида совға қилиш қаёқда... Ўша жамоа ўқитувчини ишга қайтаролмаслиги мумкин, лекин унинг ҳурматини ўрнига қўйиб, кузатиши мумкин-ку. Қандай ажойиб меҳнат жамоаларини биламиз. Улар байрам онларида меҳнат фахрийларини тўрга ўтказиб қўядилар. Ҳол-аҳволларидан хабар олиб, невара-чевараларининг тўйларигача йўқлаб келадилар.

Яқинда корхоналардан бирида шундай воқеа содир бўлди. Ўша корхона раҳбари ўрнига янги бошлиқ тайинланиб, уни жамоа билан таништириш учун олиб келишади. Меҳнат жамоаси уни қабул қилмади. Улар ўз раҳбарларини ҳимоя қилишди. Оддий ишчиликдан раҳбарлик даражасигача кўтарилган бошлиқнинг яхши сифатларини ишчилар ҳурмат билан тилга олишди...

Ниҳоят, «янги директор» қайтиб кетди...

Бу мисол жамоатчилик нақадар катта куч эканини кўрсатиб турибди. Бу воқеанинг бошқа ибратомуз томонлари ҳам кўп. Бирлашма бошлиғи ўз тасарруфидаги бошқа жамоалар тақдирини бундан кейин ўз билгича ҳал этавермайди, улар билан ҳисоблашади. Қадр-қиммати ўрнига қўйилган шахс эса илгаригидан юз чандон яхшироқ ишлашга, жамоанинг ишончини қозонишга ўзини сафарбар этади...

Давлатимиз, ҳукуматимиз ана шундай соғлом, баркамол, ғоявий чиниққан жамоаларга ишонади, суянади.

Кўчада тезлик билан келаётган машина Зоиржонни уриб кетди. Уни 17-шаҳар шифохонасига етказиб келишди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун уч кечаю уч кундуз кураш кетди. Бу ўринда шифокорлар ҳақида ҳам, уч кечаю уч кундуз оёқда турган оиласи, қариндош-уруғлари ҳақида ҳам гапирмоқчи эмасмиз. Бизни Зоиржоннинг ўртоқлари, улфатлари, қўниқўшниларининг меҳр-оқибати ҳайратга солди. Ҳали 44 ёшга ҳам тўлмаган Зоиржон ўз дўст-биродарлари, маҳалладошлари орасида бу қадар қадр-қиммат, ҳурмат топгани ибратли эди. Дўстлари Зоиржоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун дори деб, табиб деб, шифокор деб елиб-югуришди... Жон олиб, жон беришди... Афсуски, уни ўлим чангалидан олиб қолишолмади... Лекин инсон номи улуғ, у хоҳ тиригида, хоҳ ҳаётдан кўз юмган бўлсин қадр-қиммати баланд, деган инсоний тушунчага яна бир тамал тошини қўйишди... Халқимиз орасида инсон тушунчаси жуда юксак маъно касб этади. У нафақат ҳаётлигида, балки оламдан ўтгандан кейин ҳам хотираси эъзозланади. Бирор кимсанинг оламдан ўтганини эшитсак, у яқин одамимизми ёки узоқ танишимиз, қаерда яшайди, ким бўлиб ишлайди, қатъи назар, ҳамма ишимизни қўйиб, уни сўнгги йўлга кузатиш учун шошамиз. Кўчада тобут кўтариб кетаётганликларини кўрган эр йигит борки, тобутни ярим қадамга бўлсада елкасига олади... Лекин айтингчи, биз ҳамма вақт ҳам инсон қадр-қимматини ўрнига қўямизми? Тириклигида унинг қадрига етамизми?

Холис гапни айтганда сўнгги йўлга кузатаётган таниш-билишимиз ёки ҳамкасбимизни биз йиллар давомида, ҳатто байрамларда ҳам йўқламаган бўламиз. Тўшакда оғир ётганмиш, деб эшитганимизда ҳам оила, рўзғор ишларимиздан ортиб бирров, дийдор кўришиб келмаганимиздан қалбларимиз алам чеккан кезлар бўлади. Файласуф шоир Шайхзода айтганидек, ўлигида минг бор йўқлагандан кўра тириклигимизда бир бор бўлсада бир-биримизни йўқлаб турайлик. Наинки, биз инсонлардан бир-биримизни эъзозлаган, эслаган жавоб суҳбат онлари, балки яхши хотиралар ҳам қолади.

Шундай одамлар ҳам борки, улар доимо бошқалар томонидан эъзозланиб, эсланиб туришни жуда-жуда ёқтирадилар. Бироз эътибор берилмаса гина-кудуратга қоласиз... Сени йўқлаб туришларини истасанг, ўзинг ҳам бошқалар ҳақида ўйла, уларни эсла... Ахир, қарс икки қўлдан чиқади.

Мен телефон қўнғироғим жиринглamаган, қўшним эшик очиб кирмаган, узоқдаги биродарим бир энлик хат ёзиб йўқламаган, болаларим эсламаган кундан қўрқаман...

Ҳа, ота-онанинг фарзанд олдидаги қадр-қиммати уларнинг онаси ёки отаси учун совға қилаётган қимматбаҳо кийим-кечаклари, «Мерседес» машиналарда олиб юрган байрам онлари, отаси ёки онаси қабри устига қўйган ҳашаматли ёдгорлиги, маъракаларига таклифномалар тарқатиб, ўтказадиган байрамона дастурхонлари билан ўлчанмаслиги керак.

Фарзандларимиз кўнглимизни биз ҳаёт чоғларимизда олиб улгурсинлар. Бизнинг қадр-қимматимиз соғинган кўзларимизни улар қувонтирган дақиқалар, улардан эшитган ширин каломимиз, юмшоқ, мулойим сўзларимиз, бизга ташна, бизга меҳрлари ёғилиб, кўнгиллари ҳимрилиб турган дамлар билан ўлчансин. Ҳар ким ўз оиласида, маҳалласида, хизмат қилаётган даргоҳида, дўсту биродарлари орасида қадр-қиммат топсин!

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Болгариянинг Рупита водийси. Дунёнинг турли чеккаларидан бу ерга келаётган одамларнинг оқими узилмайди. Нима учун? Жаҳонга донғи кетган 85 ёшли нуроний Ванга бувининг башоратлари-ю маслаҳатларига ким ҳам бефарқ қарай оларди дейсиз.

Сиз нима дейсиз?

ВАНГА БУВИ МАСЛАҲАТЛАРИ

Онахон ҳеч қачон замонавий тиббиётни рад этмаган, балки унинг барча соҳадаги ютуқларига тан берган. У ёки бу касалликни даволашдаги машҳур башоратчининг маслаҳатлари ёрдамчи воситалар бўлиб хизмат қилади.

— Лекин, — дейди Ванга, — кўп дори ичавериш ҳам зарарли, улар инсон танасининг табиий усулда даволаниш хусусиятига салбий таъсир кўрсатади. Хаста танада эса бунинг оқибатида мувозанат бузилади.

Ванга буви тиббиётда қўлга киритилаётган ижобий натижалардан беҳад қувонади. Ўзининг игна билан даволовчи таниш шифокорига эса:

— Сизнинг муолажа усулингиз тўғри, фақатгина металл игна ўрнига сопол игналардан фойдаланинг. Қадимда шундай қилишар экан. Игналарни албатта кўмир чўғида қиздириб олинг, — дея маслаҳат берар-кан.

Шунда шифокор:

— Ахир бу илгариги усулга қайтишку! — деб ҳайратланса, Ванга:

— Атрофга қаранг, ҳозир ҳамма ерда шундай қилишяпти, — деб авоб қайтарар экан...

Башоратчи маслаҳат берар экан:

— Билингки, ҳамманинг таниси-ҳати фақатгина айнан ўша одам учун хосдир. Шуни ҳеч қачон унутмаслик керак, — дея алоҳида уқтиради.

Мана унинг кўрсатмаларидан айрим намуналар.

● Муолажа пайтида шифобахш дамламаларни кўп ҳам ичавермасдан, уни бадандан қуйиш керак экан.

● Уйқуси безовта бўлаётган боланинг ота-онаси тонгги шабнамли боғларда ухлатиб, шудринг суви билан уни ҳўллаши лозим эди... Кейинчалик болакайнинг ота-онаси унинг аҳволи яхшиланганини қувонч билан Вангага айтишган.

Умуман башоратчи бувининг гапларини инобатга оладиган бўлсак, тонгда ўсимликларда пайдо бўладиган шудринг жуда фойдали экан.

● Икки ойдан ортиқ вақт мобайнида иситмаси тушмаган болани онахон хом узумнинг қайнатмасига чўмилтиришни тавсия этади.

● Қовуғи бўш, пешоб тута олмайдиган кишилар, турли гулларни йиғиб, унинг дамламасига ювинишлари керак.

● Буйраги касал ўсмирга қовоқ уруғи дамламаси ҳамда иссиқ компресс тавсия этади.

● Зарарли буғланишлар билан заҳарланган одамга кечки пайт оёғини иссиқ сувга солиб ўтиришни тавсия қилади.

● Эпилепсия, тутқаноқ хасталиги бор болани ўрмон пичани дамламасига чўмилишини буюради.

● Йўтал тинимсиз безовта қилаётган кишига ҳафта давомида каноп уруғидан чой ичишни ва муздек сув ичмасликни буюради.

● Юрак хасталигини даволаш учун Ванга йилига тўрт марта кетма-кет тўрт кундан дўлана дарахти гулидан тайёрланган дамламани ичишни зарур деб ҳисоблайди.

● Терининг аллергик шамоллашига эса эман дарахтининг пўстлоғи қайнатмасида чўмилиш яхши наф беради.

● Астма (зиқнафас) касалига жағ-жағ гулидан қайнатилган ичимлик фойда экан.

● Қаттиқ асабийлашиши ёки стресс оқибатида пайдо бўлган сурункали бош оғриғини йўқотиш учун уйқу олдидан сувда эритилган бир ош қошиқ шакар тавсия этилади.

● Юрак уришидан шикоят қилган аёлга Ванга ярим кило лимонни кесиб, асал билан аралаштириб, ҳосил бўлган шарбатни эрталаб ва кечқурун ош қошиқда ичишни буюради.

● Ванга бувининг фикрича қандли диабет кўпинча қаттиқ стресс, қўрқув ҳамда руҳий сиқилиш натижасида пайдо бўлади. Касалликнинг дастлабки босқичида маймунжоннинг янги япроқларидан тайёрланган дамлама ичилиши лозим. Шунда касаллик авж олмайди.

● Онахоннинг айтишича ошқозон яраси асосан овқатнинг чала-чулпа ёмон чайналганидан, шунингдек жуда қайноқ нарса истеъмол этишдан келиб чиқади.

● Астма, — дейди башоратчи, — аксарият ҳолларда кишилар чарчаб, терлаб турган пайтда совуқ сув ичишларидандир.

● Шишлар — йиқилиш ёки шикастланиш натижаси. Улар жуда кечикиш билан ҳам ривожланиши мумкин.

● Яна бир гап. Ванга кун ботиши билан ухлаб, тонг отганида уйғонишни маслаҳат беради. Куннинг ҳар хил вақтидаги уйқудан наф йўқ экан. Чекиш инсон саломатлиги учун ўта зарарли эканини соғлиқни сақлаш вазирлигидан аввал Ванга буви кўп бора ва қайта-қайта уқтиряпти. Энди спиртли ичимликка келсак, уйқудан олдин 50 грамм (150 грамм эмас!) агар врач ман этмаса инсон танасини инфекциядан тозалар экан.

● Қаранг, онахоннинг енгилелпи пул топишга ашаддий ишқибоз бўлганлар учун ҳам маслаҳати бор экан. «Пуллар—шайтондан. Кўп пул умрга завол бўлади».

Унинг айтишича яқин келажакда инсоният узоқ умр кўришнинг сир-асрорларини ўйлаб топади. Ванга бувида эртанги кунга умид-ишонч ҳисси жуда кучли. Ноумид шайтон деб шунга айтсалар керакда.

Наргиза ШАВКАТ қизи тайёрлади.

Дугоналар.

Рустам Шарипов сурат лавҳаси.

Ажаб савдолар

«ҚУШДЕК ЕНГИЛ БЎЛИШ УЧУН ҚАЕРГА БОРАМИЗ?»

Кейинги вақтларда таҳририятимизга маиший хизмат турлари — хусусан ҳаммомлар иши ҳақида куюниб ёзилган мактублар тез-тез келадиган бўлиб қолди. Оқшомхонлар хатларида шаҳримизда ҳаммомлар сони тобора камайиб бораётганлиги, мавжудларининг кўпчилиги таъмирлаш ёки хусусийлаштириш баҳонасида узоқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмай бекор ётганлиги, ишлаб турганларида ҳам қатор нуқсонлар борлигини ёзишмоқда. Шу хат-хабарлар баҳона аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида шаҳримиздаги ҳаммомларнинг иш фаолиятини кузатиб, мижозларнинг фикр-мулоҳазаларини билдик.

Бир вақтлар Эски Жўвадаги ҳаммомнинг донғи шаҳримизга таралганди. Бу ерга кириб ювиниб чиққан киши чинакамига ўзини қушдек енгил сезарди. Айниқса шанба ва дам олиш кунлари мижозлар гавжум бўларди. Одамлар навбат кутсаларда бекор ўтган вақтларига ачинишмасди. Чунки ҳаммомнинг танга роҳат бахш этувчи иссиққонасига кириб бир зум ҳордиқ чиқариш билан бутун чарчоқлар тарқаб кетарди. Энди-чи?

Кутиш хонасига кириб кўзларимизга ишонмай қолдик. У ерда одам тугул пашша учмайди. Нега шундай? Бу саволимизга мижозлардан бири Карим ота Садиров шундай жавоб берди:

— Ҳаммом яхши иситилмайди, тоғоралар тешик, ечиниш хоналари тартибсиз, совуқ. Бу ерга шифо топаман деб келиб аксинча шамоллаб, касал орттириб кетиш ҳеч гап эмас.

Донғи чиққан ҳаммомдаки, шу аҳвол бўлса бошқаларида қай ҳолат рўй бераётган экан, деган мақсадда истар-истамай Лабзакдаги ҳаммом томон йўл олдик. Бу ерда ҳам кутиш зали бўм-бўш бўлсада, лекин ечиниш хонаси гавжум эди.

— Бироз навбат кутиб турасизлар-да, ҳозир бўшаб қолади, — деди ҳаммом ходими бизни мижоз деб фаҳмлаб.

Унга мақсадимизни айтдик.

— Бизда ҳам камчиликлар етарли. Лекин шунга қарамай ҳаммомимиз хизматидан мижозлар нолишмайди. Чунки у ҳар куни эрталабдан иш бошлаб, кечгача жуда кўплаб одамларнинг ҳожатини чиқаради. Яхшиси бу ҳақда мендан кўра мижозларнинг фикрини билганларингиз маъқул. Холис жавобни ўшалар беришади.

— Ҳозир шаҳардаги тартибли, намунали ҳаммом шу десак янглишмаймиз, — дея эътироф этишди мижозлардан Ҳусан Эрматов ва Тўлқин Йўлдошевлар.

Қани энди шаҳримизда шунақа ҳаммомлар сони кўп бўлса, деган хаёл билан Юнусободнинг 15-мавзеига келиб қолганимизни ҳам билмай қолибмиз. Бир вақтлар бу ерда ҳам одамларга манзур бўладиган ҳаммом бор эди. Бироқ ҳозир бу ҳаммом пештоқига «Баҳодир ошёни» деган ёзув осиб қўйилибди. Ҳайрон бўлиб дарвозани очмоқчи бўлиб турганимизда ўрта ёшли бир киши (қоровул бўлса керак) бизни тўхтатди.

— Қаёққа, биродарлар?

— Ҳаммомга кирмоқчи эдик.

— Кечирасизлар, бу ерга бегона кишиларнинг кириши қатъий ман қилинади.

— Нега ахир...

— Менга шундоқ буйруқ берилган, тамомвассалом.

Бу ерда ҳозир ҳаммом борми, йўқми ва бошқа шу каби саволларимизга қоровул мутлақо жавоб бермади. У эшикни ёпганича чурқ этмай тураверди. Одамларга мурожаат қилишимизга тўғри келди.

— Олти-етти йил бўлибдики, аҳвол шу. Бу ер ошхонами, ҳаммомми ҳеч ким билмайди. Эшикдан бирор киши кириб чиққанини кўрмаймиз. Шу ерда истиқомат қилаётган бўлсакда бу қанақа сирли ошиён эканлигини мутлақо билмаймиз, — дейди Тўра Олимов.

Ҳуллас шу куни биз ҳам бу сирли жумбоқнинг тагига етолмай қайтдик. Чунки бошлиқлардан биронтасини тополмадик. Хизматчилардан эса сўз олиб бўлмади.

«Озодалик» жамиятига қарашли 2-ҳаммомда эса антиқа воқеага дуч келдик.

— Бекорга овора бўлиб келибсизлар-да, бугун совуқ сув йўқ, — деди чипта сотувчи аёл. — Агар тоғорага сув олиб совитиб, ювинаман десангизлар марҳамат, кираверинглар.

— Ичкарида мижозлар борми ахир?

Аёлдан тасдиқ ишорасини олгач, ҳаммомга кириб одамлардан фикр олиш мақсадида чиптага пул узатдик. Аёл пулимизни олиб чипта бермади.

— Бемалол кираверинглар, ҳаммомчи отага мени айтсаларингиз бас.

Энди бу қанақаси бўлди? Холис хизматми, ёки...

Ҳуллас шу куни тушгача ҳаммомда совуқ сув бўлмади. Одамлар ювинолмай хуноб.

— Шу яқин ўртада биттагина шу ҳаммом, бунисиям бордан йўқдек. Бир кун ишлаб, бир кун ишламайди, — дейишди мижозлар нолиб.

«Отчопар» маҳалласи ёки асбобсозлик заводи олдидаги ҳаммом эса уч ойдан бери таъмирланаётган эмиш. Буниси ҳам ҳолва экан. Чунки Яккасарой туманидаги «Уриқзор» маҳалласи ҳудудида жойлашган ҳаммомда роппа-роса уч йилдан бери таъмирлаш ишлари тугалланаётганлигини эшитиб ёқа ушладик. Бир эмас, тўртта маҳаллага хизмат кўрсатувчи ҳаммомнинг узоқ йиллар ишламаслигидан одамлар ҳақли равишда ранжишмоқда.

Шу ерда 80 ёшли Карим ота Файзиев билан суҳбатлашиб қолдик.

— Илгари шаҳарнинг барча даҳаларида шунақанги ҳаммомлар бўлгувчи эдики, уларни одамлар чиндан ҳам «саломатлик маскани» деб аташарди. Уларга кирсангиз ҳузур қилардингиз, минг дардингизга шифо топиб чиқардингиз. Хўш, энди қани ўша ҳаммомлар? Турли важ-корсонлар билан йўқ бўлиб кетди. Ўрнига янгилари, янада қулай ва шинам, замонавийлари қад кўтарса керак, деб ўйлагандик. Афсуски умидимиз пучга чиқди. Биргина Чорсудаги ҳаммом янгиланди, холос. Қолганлари эса изсиз йўқолди. Наҳотки шаҳримизда эл саломатлиги учун зарур бўлган ҳаммомларга шу қадар эътибор сусайиб кетган бўлса?

Кўпни кўрган отахоннинг бу гапи бизни ҳам ўйлантириб қўйди. Чиндан ҳам бир вақтлар мижозларнинг кети узилмайдиган Чилонзор, Ўрда, Себзор, Қоратош, Шивили, Арпапоя, Бешёғоч, Ишчилар шаҳарчаси, «Олой» бозоридаги ҳаммомлар қани? Тўғри, улар янги йўл қурилишлари ва бошқа сабаблар билан бузиб юборилди. Лекин уларнинг ўрнига янгилари тикланмади-ку! Нега бу ҳақда олдинроқ ўйламадик.

Тўғри, шаҳримизнинг чекка-чеккаларида кичик-кичик сауналар қурилганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин бу ихчам, торгина сауналар бизнинг қадимий миллий ҳаммомларимизнинг ўрнини боса оладими? Қолаверса, уларга истаган мижозлар кира оладими? Наҳотки кун сайин ўзининг муҳташам турар жой бинолари, кўркам ва озода маданият саройию хиёбонлари, кенг ва ёруғ йўллари, бир-биридан гўзал турнақатор дўконлари, ҳашаматли бозорлари билан эл оғзига тушиб бораётган шаҳримиз ҳуснига миллий услубдаги нақшинкор, қуббали ҳаммомлар ярашмаса?

Шу ўринда мисол тариқасида бир гап. Ахир минг-минглаб кишилар истиқомат қилаётган Юнусобод даҳасида ақалли биттагина намунавий миллий ҳаммомнинг йўқлигини қандай изоҳлаб бўлади? Шаҳримизнинг қолган даҳалари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Ўтмишга назар ташласак илгари ҳар бир маҳалланинг гузарида ҳаммом бўлгувчи эди. Шу яқин-атрофдаги аҳоли ҳар ҳафтада бир марта ўнда ювиниб-тараниши канда қилмасди. Назаримизда кейинги вақтларда бу анъана ҳам биздан анча узоқлашган кўринади. Ҳозир шаҳримизда маҳалла ва унинг гузарлари қурилишига кенг эътибор берилаётган бир пайтда наҳотки ўша ибрат бўларли анъанани тиклаш мумкин бўлмаса? Бунинг учун гузар қурилиши чоғида чойхона, тикувчилик хонаси ва бошқа маданий хоналар билан бирга ҳаммом қурилиши ҳам кўзда тутилса бас. Ана ўшанда одамлар ҳаммом қидириб шаҳримизнинг тўрт бурчагига чопиб юришмасди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Кейинги пайтларда ҳайбатли маҳлуқотлар — аждару динозаврлар, ғайритабиий улкан жонзотлар ҳақидаги кино, мультфильмларни биз-ку майли, ҳаттоки болажонларимиз ҳам катта қизиқиш билан томоша қиладиган бўлишган. Уларни янгича ном «монстр» деб ҳам айтишмоқда.

Бир вақтнинг ўзида эса тадқиқотчи-мутахассислар экрандаги динозаврлар ҳаётдаги бошқа афсонавий маҳлуқларни уйғотиб юборишса ажабмас, дея тахмин этяптилар. Уларнинг тахмини ростга ўхшаб қолди. Сабаби бирин-сирин жаҳон оммавий ахборот воситаларида ғалати маълумотлар эълон қилинмоқда.

Ажойиботлар қомуси

УЛКАН МАХЛУҚ ҲАҚИДА

ЁКИ АЖДАҲОНИНГ СУВДАГИ РУҲИ

● Пуэрто-Рикодаги Калепо қишлоғининг аҳли учар аждаҳони кўрганларини қасам ичиб таъкидлашяпти. Руҳоний ва полиция хизматчисининг айтишларича, улар ўз кўзи билан кўрган маҳлуқ яшил кенгуруга ўхшар экан. Қип-қизил кўзлари кечқурун ёнар, териси қаттиқ қобиқдан иборат. Чупакабрас лақабини олган бу жонивори тушмагур тунлари ит, қўй, сигирларни ғажиб кетади...

● Хитойнинг Ханас кўлида тағин бошқа «аждар» ғимирлаб қолганга ўхшайди. У ҳақда 1985 йилдан буён ҳеч ким эсламаганди. Синъцзян университети талабаларининг хабарига қараганда, кўлнинг юқори қисмидаги бу ҳайвон жуда катта ўлчамда. Яна айнан шу атрофдаги хонадонлардан чорва моллари-ю паррандалар ғойиб бўлаверган...

● Швециянинг Стурш кўлидаги монстрдан маҳаллий аҳоли юрак олдириб қўйган кўринади.Баҳайбат калтакесак кўлдан қирғоққа чиқиб, одамларни қувлар, тинчлик бермас экан. Ва ниҳоят унга қўйилган тузоқни ҳам четлаб ўтаркан. Асримиз бошида тарқалган бу хабар кимларнингдир ёдидан кўтарилган бўлиши мумкин. Бироқ яқинда кўл бўйида тағин унинг изи пайдо бўлибди...

Бошқа хабарлар ҳам бор. Аммо уларнинг барини шотландларнинг Лох-Несс калтакесаги ҳақидаги маълумот енгиб кетадиганга ўхшайди. Яхшиси келинг «Ньюс» журналидан парча ўқиймиз:

«Франциялик зоология фанлари доктори Майкл Женнет ташкил этган Италия, Бельгия, Германия, Швеция, Норвегия, АҚШ ва Украина олимлари қўллаб-қувватлаган экспедиция ижобий натижалар билан якунланди. Лох-Несс кўлига 52 метрлик пўлат тўр ичида ўлжаси билан ташланган. Ҳафта давомида унга тегилмаган, кейинчалик эса тўр чириган мато каби йиртилиб қолган...

— Ҳозир бу маҳлуқни номлаш, бирон ҳайвонот туркумига киритишга вақт эртадир, — дейди доктор Женнет. — Лекин мен ўйлайманки, биз Ердаги сўнгги динозаврни тутиб олдик... Ғаввосларимиз у билан дўстлашиб улгуришди.

«Тирик Несси»нинг тасвирга туширилиши эса бу шов-шувли хабарнинг рост эканини яна бир бор исботлади.

Ҳозирги замон компьютери исталган жонзот тасвирини ўхшатиш хусусиятига эга эканини ҳисобга оладиган бўлсак, Лох-Несс маҳлуқи ҳақидаги мунозаралар ким учундир эришдек туюлиши ҳам мумкин.

Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрсак-чи. Денгиз, океан ости ҳайвонот олами нақадар ранг-баранг. Катта илонлар, улкан медузалар, саккизоёқлар дейсизми... Мулоҳаза учун маълумот:

● Янги Зеландия ороллари қирғоғидан топилган ўлик «архитойтис» деб аталувчи саккизоёқнинг «оёқлари» 12 метрдир...

● 1988 йили Тэдди Таккер исмли балиқчи Бермуд оролининг Магроу-Бэй туманида улкан биологик мавжудот қолдиғини учратган. Олимларнинг аниқлашича унинг узунлиги 75 метрдан кам бўлмаган.

Агар хориж матбуоти ахборотларини инобатга оладиган бўлсак, жумбоқли жонзотлар ёпиқ сув ҳавзаларида ҳам учрайди. Мана улардан айримларининг манзили:

● Чилидаги Оппоқ кўлда афсонавий калтакесак ҳануз бор экан.

● Вайторек кўлида (Австралия) маҳаллий халқ бир неча бор ҳайбатли мажудот борлигини тасдиқламоқда.

● Кўркинчли йиртқич Канаданинг Манипого кўлида ҳам мавжуд.

● Қозоғистоннинг Жамбул вилояти ҳудудидаги Кўк кўлда чўпонлар кўп бор «аждаҳонинг сувдаги руҳи»ни пайқашган.

Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади: хориждаги маълумотлар, телевидениедаги кўрсатувлар гувоҳларнинг кўрганбилган таассуроти ҳақида тайёрланган. Биз эса ҳозирча шулар билан чекланяпмиз, холос.

Нодира УМАРОВА.



Бўтам, қара, олма гули қанчалар нафис.

Рустам Шарипов олган сурат.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, бутун ҳаёти, ижодий фаолиятини журналистикага бағишлаган таниқли қалам соҳиби, «Тошкент оқшоми» газетасининг собиқ бўлим мудири Тўлқин Расулев 1996 йил 26 апрелда узоқ давом этган оғир хасталикдан сўнг ҳаётдан кўз юмди.

Тўлқин Расулев 1936 йилда Тошкент вилоятининг Аскарлик қишлоғида таваллуд топди. 1963 йилда Тошкент давлат педагогика институтини битиргандан кейин у турли газета таҳририятларида сидқидилдан меҳнат қилди. 1969 йилдан то 1992 йилгача у «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятида ишлади.

Тўлқин Расулевнинг қалами «Тошкент оқшоми» газетасида чархланди, истеъдодининг янги-янги қирралари очилди. У дастлаб мухбир, сўнг бўлим мудири лавозимларида ҳамкасбларига ибрат бўларли даражада ижод қилди. Айниқса миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, инсоний фазилатлар мавзусида маҳорат билан қалам тебратди. Шу мавзуларда очерклар, бадиалар, лавҳалар, ҳикоялар ёзди. Журналист ҳамкасбимиздан бир нечта ҳикоя, қисса, бадиалар, ҳикоялар китоблари бизга ёдгор бўлиб қолди.

Тўлқин Расулев истеъдодли қалам эгаси бўлиш билан бирга талабчан устоз, садоқатли дўст эди. Қалами «Оқшом» газетасида тобланган кўплаб ёш журналистлар, мухбирлар Тўлқин Расулевдан ҳамиша миннатдордир.

Ажойиб инсон, дилкаш дўстимиз, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Тўлқин Расулевнинг хотираси қалбимизда, уни билган барча кишиларнинг дилида ҳамиша сақланиб қолади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

33-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

27 апрелдан 7 июнгача

33-АТС АБОНЕНТЛАРИНИ

янги электрон станцияга ўтказиш ишлари олиб борилишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН СТАНЦИЯГА ЎТКАЗИШ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ ВА АБОНЕНТНИНГ ЎЗ НОМЕРИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ.

Телефон тармоғидаги янги станцияга ўтказиш билан боғлиқ баъзи қийинчиликларни инобатга олган ҳолда юқорида кўрсатилган муддат давомида бошқа абонентга қўнғироқ қилиш ёки Сизнинг телефонингизга тушиш, шаҳарлараро алоқа қийинлашади.

Шунингдек,абонентларни янги станцияга ўтказиш даврида эски 33-АТС абонентлари янги 33-АТС абонентларига телефон қила олмайдилар.

Янги АТСга ўтказиш даврида сўзлашув учун вақтбай ҳақ тўланмайди.

33-АТС абонентларидан сўзлашув учун вақтбай пул олиш қачондан бошланиши тўғрисида қўшимча хабар берамиз.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ

сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ва 1996 йил ёз мавсумига тайёрлаш муносабати билан истеъмолчиларга қуйидагиларни

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

6 май соат 9.00 дан 7 май соат 9.00 гача

ЧИЛОНЗОР тумани: 19, 20 мавзеларида — сув босими ялпи пасаяди.

ЧИЛОНЗОР тумани: 19 мавзедаги: 4, 5, 7, 8, 9, 10, 41, 42, 48, 46, 47, 55, 54, 56, 57, 58-уйларда; 20 мавзе 31, 32-уйларда сув бўлмайди.

10 май соат 9.00 дан 11 май соат 9.00 гача

СИРҒАЛИ тумани: «Спутник» мавзесида 1-уйдан 17-уйгача;

Сирғали мавзеси 1-уйдан 8-уйгача; Қўйлиқ мавзеси 6, 7-уйда сув босими ялпи пасаяди.

14 май соат 9.00 дан 15 май соат 9.00 гача

СОБИР РАҲИМОВ тумани: Б-1, 2, 3 мавзеларида

ШАЙХОНТОҲУР тумани: Ц-26, Ц-27, Ц-15, Ц-14, Ц-13-мавзеларида, Уйғур, Зиё Саид, Беруний, О. Хўжаев ва унга туташ кўчаларда — сув босими ялпи пасаяди.

ШАЙХОНТОҲУР тумани: Ц-17/18 мавзеси, Собир Раҳимов, Ғафур Ғулом, Колхозная ва унга туташ кўчаларда — сув бўлмайди.

СУВ БЎЛМАГАН ЖОЙЛАРГА СУВ ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР СУВНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ.

ОТҚУЛОҚ

Отқулоқнинг янги униб чиққан барглари кўкатлар билан чопиб қийма қилинади. Жизза, кўкпиёз қўшиб, сомса, манти ва чучваралар тугилади. Бу таом қон босими ошганда фойдали. Чунки отқулоқ таркибида С дармондориси ва шовул кислотаси бор.

ЖАҒ-ЖАҒ

Айни навбаҳор пайти халқимиз жағ-жағ кўкатидан турли-туман таомлар тайёрлаб, унинг шифобахш хосиятларидан баҳраманд бўлади. Халқ табобатида бу гиёҳ ўзининг қон тўхтатиш хусусияти билан танилган. Меъда, ўпка, бурундан қон кетгудек бўлса, жағ-жағдан дамлама тайёрлаб берадилар.

ИСМАЛОҚ

Исмалоқдан баҳорда шўрва, пюре, кўк сомса ва салатлар тайёрланади. Унинг баргида оқсил, ёғ, темир, фосфор, турли хил дармондорилар бор. У юракка куч бағишлайди.

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

ЖАМБИЛ

Кўпроқ суюқ овқатларнинг устига сепиб истеъмол қилинади. Жамбил иштаҳа очади. Овқатни яхши ҳазм қилдиради.Изтиробли йўтал ва тумовда, дизентерия, меъда санчиқлари, бош оғриғи, ичак фаолиятининг бузилишида, томир тортишида фойдали.

СЕМИЗЎТ

Лўқиллайдиган бош оғриғини босади, Меъда яллиғланганда фойда қилади. Буйрак ва ундаги ярага ҳам шифо. Ширраси куйган жойларга суртилса тез тузалади. Семизўтни сутга қўшиб ичилса, меъда қуртларини ўлдиради.

УКРОП

Оғриқларни тинчлантирувчи ва шишларни пиширувчидир. Укроп ва унинг уруғи она сутини кўпайтиради. Укропли ванна ичак оғриқларига ва бавосилга фойдали.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА.

Билиб қўйган яхши

ҚАЙСИ РАНГ ЯРАШАДИ?

Ўзингизга бирор янги кўйлак тиктирмоқчи бўлсангиз, фақат унинг бичимига эмас, балки газламанинг рангига ҳам аҳамият беринг. Газламанинг ранги узоқдан қарасангиз бошқача, яқиндан ўзгача кўринади. Агар газлама узоқдан қараганингизда ранги хира бўлса, уни сотиб олмаганингиз маъқул.

Ёркин ранглар (феруза-ҳаво ранг, қип-қизил, тўқ сариқ, бинафша ранг) дан эҳтиёт бўлинг. Бу рангдаги газламалар кўзга жуда ташланиб туради. Яхшиси аралаш рангли — қизғиш-помидор ранг, маржон-қизил ранг, қизил-сабзи ранг ва ҳоказо рангли газламаларни танлаган маъқул.

Кўйлакнинг ранги юз, кўз, соч рангига, қаддиқоматга мос келиши лозим. Қорачадан келган аёлларга қизил ва сариқ ранглар ярашади. Буғдойранг аёлларга пушти ранг кўйлак ярашмайди. Оқ сариқдан келган аёллар оч ҳаво ранг ёки пушти ранг кўйлакларни кечқурун кийсалар улар ҳуснини янада очади.

Маърифат ОРИФЖОНОВА.

ТУЗИНИ ИЧИБ...

Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи нафақахўр Нина Васильевнанинг уйига ўғри тушади деб ҳеч ким ўйламаганди. 63 ёшли бу аёлнинг уйига ўғри кечки пайт соат 18.00 дан кейин тушиб, хонадондан 26 минг сўм, 190 АҚШ доллари, 2800 қирғиз сомини олиб чиқиб кетади. Дераза орқали бегона хонадонга киришга аҳд қилган «меҳмон» бу нарсалар билан қаноатланмасдан, «ташриф»ни такрорлаб 2 минг қозоқ тенгеси, 15 дона аудиокассета, аёллар кийимларини олади. Бироқ у қонуний жазодан қочиб қутулолмади. Содир бўлган воқеани Нина Васильевна оқшомай-томизмай ички ишлар ходимларига айтиб берганидан кейин Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари ўғрини ушлашга муваффақ бўлишди. У бегона бўлиб чиқмади. Ўғри аввал бир неча бор шу хонадондан туз тотган, қўшни уйлардан бирида яшовчи, ҳеч қаерда ишининг тайини йўқ А. Арслон экан.

БЕКОРЧИНИНГ НАЙРАНГИ

Мироободдаги бўлиб ўтган воқеа одатдаги ўғирликлардан бири эди. Ҳеч қаерда ишламайдиган С. Сергей ўғирлик билан бойишни орзу қилганга ўхшайди. Сергей тузуккина «даромад» қилиб олишни хаёл қилиб шу туманда жойлашган қўшма корхоналардан бирининг омборига ўғирликка тушиб, 334 жуфт эркаклар пайпоғини ўғирлаб чиқади. Туман ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари жиноятни иссиғида очишга муваффақ бўлишди. Ўғри ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

УЙ МОЖАРОСИ

Мирзо Улуғбек туманидаги уйлардан бирида яшовчи К. Борис учига чиққан фирибгар бўлиб чиқди. Одамларни алдаш билан мўмай даромад орттиришни касб қилиб олган бу йигит ишнинг охирооқибат нима билан тугашини афтидан ўйлаб кўрмаганга ўхшайди. Марина Захарована уй топиб бераман дея 2,5 минг АҚШ долларга чув туширириб кўздан ғойиб бўлган бу фирибгарни ички ишлар ходимлари навбатдаги жиноят устида қўлга туширишди. Энди унга нисбатан қонунларимизда белгиланган жазо берилади.

МАВЗЕДАГИ ҚОТИЛЛИК

Чилонзор даҳасининг 24-мавзесида қотиллик юз берди. Қотиллар 42 ёшли С. Павелни қийнаб ўлдиришганди. Чилонзор тумани ИИБси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари кўрган чора-тадбирлар натижасида қотиллар — М. Дмитрий, М. Игорь, Ч. Борис, П. Юрийлар ушланди. Қотилларнинг энг каттаси 25 ёшда, энг кичиги 21 ёшда. Бу тўртовлоннинг нима учун ушбу мудҳиш ишга қўл урганликларини терговчи сўраб билмоқда. Ўйлаймизки, тез кунларда жиноятчилар қилмишларига яраша ўз жазоларини олишади.

НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

КИЧИК БЕЗОРИЛАР

Миробод тумани пойтахтимизнинг саноат туманларидан ҳисобланади. Нукус кўчаси эса унинг энг узун ва чиройли кўчаларидан биридир. Куни кеча ана шу кўчада уч ўсмир томонидан жиноят содир қилинди. Ўсмирлар туппа-тузук, топармон-тутармон ота-оналарнинг фарзандлари. Бироқ ўз вақтида фарзанд тарбиясига эътибор бермаган ота-оналар унинг жабрини энди тортишмоқда.

Максим, Тимофей, Николай исмли ўсмирлар шу кўчадаги С. Кондаревнинг уйида катталардан ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб хонадон эшигининг қўнғироғини босишади. Эшикни соҳибининг ўғли (14 ёшлик) Саша очади. Уччовлон унинг бўйнига пичоқ тираб уйдан «Хитачи» русумли видеомагнитофон, 8 дона видеокассета, 400 сўм пулни олиб, кўздан ғойиб бўлишади. Юзларига никоб кийган бу ўсмирларни ички ишлар ходимлари қўлга олишди.

БЕЛДАГИ САТИН

«Тоштўқимачи» хиссадорлик жамиятида ишлаётган Абдунабининг ножўя қилмишлари ошкор бўлди. «Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек давлат мулкини ўғирлаш билан шуғулланиб келган бу кимсанинг ҳам қилмишлари ички ишлар ходимлари томонидан очиб ташланди.

Гап шундаки, бу ишчи корхонада ишлаб, унинг манфаатларига хиёнат қилди. Навбатдаги иш сменаси тугагандан кейин у белига салкам 500 сўмлик матони обдон эринмасдан ўради. Кириш ва чиқишни текширадиган кишиларнинг кўзини шамғалат қилиб ўтмоқчи эди. Бироқ унинг юришларидаги бежоликни пайқаган ички ишлар ходимлари текшириб кўриш учун тўхтатишганида ҳамма нарса ойдинлашди-қолди. Абдунабининг ёнидан оз эмас, кўп эмас 30 метр сатин газламаси топилди. «Товаршунос» ҳозир қилмишлари учун терговда жавоб бермоқда.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЧЎНТАККЕСАР!

«Аския» бозорида шунчалик томоша бўлиши иккинчи гуруҳ ногирони Атҳам аканинг хаёлига ҳам келмаганди. Узундан-узоқ расталарни айланиб юриб чўнтакдаги пулига эътибор ҳам бермади. Айланиб-айланиб охири бир қарорга келиб сотувчига пул узатмоқчи бўлиб чўнтагига қўл солганида сал бўлмаса ўзини йўқотиб қўяй деди. Не кўз билан кўрсинки 900 сўм пулини чўнтаккесарлар олиб қўйганди.

Бозорда хизмат вазифасини ўтаб юрган милиционерларга бор гапни тушунтирганидан кейин ўғрини ушлаш чора-тадбирлари кўрилди. Ўтказилган ишлар натижасида шаҳримизнинг «меҳмон»ларидан бири — бухоролик ҳеч қаерда ишламайдиган Ч. Тоҳир ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

УСТА НОМИГА ДОҒ

Чилонзор туманида жойлашган 6-нон заводида ҳам ўғирлик содир қилинди. Ўғрининг ким эканлигини эшитиб ишонмаслигингиз ҳам мумкин. Ахир ким ҳам ишониши мумкин. Туппа-тузук, ўқимишли, ишда ва жамоат юмушларида барчага ўрнак бўладиган смена мастерининг қўлидан наҳотки шундай қинғирлик келса? Афсуски, уста бу сафар бошқача «ўрнак» кўрсатди. Смена мастери тунгги пайтда ишдан қайтаётиб 10 килограмм пахта ёғини ўзи билан олиб кетаётганида қўлга тушди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

ЧЕРНОБИЛЧИЛАР ЁДИ

Яқинда Чилонзор туманидаги «Мезон» қаҳвахонасида чернобилчилар бир пиёла чой устида тўпланишди. Улар бундан ўн йил муқаддам Чернобиль атом элктростанциясида рўй берган фожиани, унинг оқибатини тугатишда иштирок этиб, ажал билан рўбарў келиб жасорат кўрсатган юртдошларимизни эслашди.

— Чернобиль фожиаси асоратларини тугатишда вилоятимиздан мингдан зиёд киши қатнашган, — деди йиғилишда сўзга чиққан Тошкент вилояти «Чернобиль» ўзаро ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамияти бошқаруви раиси Шавкат Шамсуддинов. — Уларнинг аксарияти ҳозир орамизда йўқ. Айримлари ногирон бўлиб қолишган. Ҳукуматимиз ҳалок бўлган ва вафот этган чернобилчилар оилаларига, умуман чернобилчиларга ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан буён ҳам уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади.

Бу ерга йиғилганлар дастурхон атрофида ўзаро суҳбат қурдилар, республика эстрада цирк студияси қошида ташкил этилган «Азимдарё» гуруҳи жамоаси хайрия концерти берди. Чернобилчиларга, марҳумларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари улашилди. Ушбу тадбирни ўтказишга Ўзбекистон қишлоқ хўжалик аэрофотогеодезик ишлар институти ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

1992 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, Нурхон кўчаси, 91-уйда яшаган **ЭЛЁР БАХТИЁРОВИЧ БАХТИЁРОВ** қидирилмоқда. У 1996 йил 19 апрель соат 14.00 да кўчага чиқиб, йўқолган.

Миллати ўзбек, белгилари: бўйи 80 сантиметр, бўй-басти ўртача, сочи калта, қора, жингалак, лаби юпқа, кўзи қора.

Алоҳида белгилари: киндигида шиши бор.

Оқ кўйлак, яшил трико, қора шим, жигарранг трусик, оқ майка, мовий ранг колготка, сариқ пайпоқ, қизил этик кийган.

Боланинг қаердалигидан хабар топганлар қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишларини сўраймиз: 78-00-95, 78-20-71, «02».

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ

юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимига танлаб олиш йўли билан иқтисодчи ва ҳисобчи мутахассислигига эга бўлган, ёши 40 дан ошмаган мутахассисларни

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хоҳловчилардан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси кадрлар бўлимига мурожаат қилишларини сўраймиз.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли, 42-уй.

Телефонлар: 68-92-62, 68-04-00.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0188. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.761 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.